

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИГА ДАЛИЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муминов Музаффар Эркинович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси
бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569311>

Аннотация. Мақолада инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали электрон маълумотларни процессуал расмийлаштириш фаолиятини жорий этиш, далилларни расмийлаштиришга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, рақамли фотосурат, видео ва аудио ёзув кўринишидаги далилий аҳамиятга эга электрон маълумотларни тўплаш, уларни расмийлаштириш ҳамда мустаҳкамлашнинг процессуал тартиби билан боғлиқ айрим масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамли фото, видео ва аудио ёзув; электрон маълумотлар, процессуал тартиб, далилларни тўплаш, далилларни расмийлаштириш, далилларни мустаҳкамлаш.

Кириш

Одил судловни амалга ошириш бўйича замонавий ва самарали тизимни жорий этиш, халқаро стандартлар асосида суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини конституциявий принципларга мувофиқ мустаҳкамлаш, жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар ҳамда уларнинг намуналарини шакллантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали электрон далилларни процессуал расмийлаштириш фаолиятини янада такомиллаштириш, далилларни расмийлаштиришга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, тўла ва холис текширилишини таъминловчи миллий қонун ҳужжатларида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Асосий қисм

Бугунги кунга келиб замонавий ахборот технологиялари жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, суд-тергов органлари фаолиятига кириб келиши жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жумладан, рақамли техника воситалари ёрдамида тергов ва процессуал ҳаракатларнинг фото ва видео тасвирга қайд этилиши, рақамли маълумот ҳамда ҳужжатлар айланмасининг кенг жорий этилаётганлиги шулар жумласидандир.

Жиноят ишларини юритиш, тергов ва процессуал ҳаракатларини амалга оширишда рақамли маълумотлар ва электрон далилларни аниқлаш, олиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда[1].

Амалиётни ўрганиш натижаларига кўра, суд-тергов органларига қийинчилик туғдираётган асосий масалалардан бири далилларнинг янги тури – «электрон далиллар» ҳамда ушбу электрон далилларни аниқлаш, уларни олиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келинаётганлигидир.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «электрон далиллар» атамасининг кенг қўлланилишига қарамай, мутахассислар бундай далилларни алоҳида далил тури сифатида ажратиб кўрсатиш ва жиноят-процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаш зарурлигига ўзларининг муносабатини билдириб ўтганлар[2].

Хусусан, Б.А. Ражабов ўзининг тадқиқот ишида «электрон ахборот» ёки «электрон далил» тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини келтириб, жиноят-процессуал қонунчиликда «электрон жиноят иши», «электрон далил», «рақамли ахборот ташувчиси», «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш» ва «электрон ҳужжат» каби атамаларга аниқлик киритилиши ҳамда мавжуд бўшлиқларнинг бартараф этилиши далилларни тўплаш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблайди[3].

Р.И. Оконенко эса электрон далилларга оид диссертация тадқиқотларида Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида «электрон ахборот ташувчи» атамаси Россия процессуал қонунчилигига «электрон далиллар» атамаси кириб келишининг илк қадамларидан бири эканлигини эътироф этиб, бу орқали жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш», «электрон ҳужжат» ва «электрон далиллар» билан боғлиқ бошқа тушунчаларнинг кириб келишига оид қарашларини баён этган[4,5].

П.С. Пастуховнинг фикрига кўра эса жиноят-процессуал қонунчиликда далилларнинг янги тури (электрон далиллар) ёки янги далил манбаларини (рақамли ахборот ташувчи) киритилиши шарт эмаслигини, аксинча «маълумотлар» электрон маълумотлар шаклида бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи анъанавий далиллардан бири, яъни ашёвий ёки ҳужжат шаклидаги далиллар сифатида қабул қилиниши мумкинлигини эътироф этган[6].

Е.И. Галяшина бинар шаклда келтирилган рақамли маълумотларни ўз ичига олган файлларни қидириш, аниқлаш, олиш, расмийлаштириш, ўрганиш ва сақлашда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (IOCE) томонидан белгиланган тамойилларга амал қилиш зарур эканлигига алоҳида эътибор қаратади[7].

Албатта, жиноят процессида электрон далилларни жорий этиш ушбу турдаги далилларнинг мазмунини, шунингдек уларни аниқлаш, олиш, тўғри расмийлаштириш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятни тўлиқ тартибини ишлаб чиқишни тақозо этади[8].

Мазкур йўналишда тадқиқот ўтказиб ўзининг таклифларини илгари сурган олимларнинг илмий қарашлари, амалиётдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, электрон маълумотлар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади».

Кўриниб турибдики, бундай таърифдаги норма терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов ва суд муҳокамасида далил ва далил манбалари билан ишлашда ижобий таъсирини кўрсатиб, кўпгина муаммоли ҳолатларни ҳал этишга ёрдам беради. Қолаверса, уларнинг ўз вақтида жиноят-процессуал қонунига жорий этилиши бевосита амалиёт ҳамда назария учун катта фойда келтиради.

References:

1. Овсянников Д.В. Копирование электронной информации как средство уголовно-процессуального доказывания: Автореф дис... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2015. – С. 16.
2. Chutbaev M.R. Necessity and social justification of restriction of individual rights in criminal proceedings of the Republic of Uzbekistan. Web of Scientst: International Scientific Research Journal. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 9, Sep., 2022.
3. Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 246.
4. Оконенко Р.И. «Электронные доказательства» и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2016. – С. 14-15;
5. Калитин С.В. Доказательства электронные и цифровые. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://e-koncept.ru/2014/54981.htm>
6. Пастухов П.С. О развитии уголовно-процессуального доказывания с использованием электронных доказательств // СПС «Консультант Плюс», 2016. – С. 6.
7. Галяшина Е.И. Оценка достоверности цифровых фонограмм в уголовном процессе // Доказывание и принятие решений в современном уголовном судопроизводстве: материалы Междунар. науч.-практ. конференции, посвящ. памяти д-ра юрид. наук, проф. Полины Абрамовны Лупинской: сборник науч. трудов. – М.: Элит, 2011. – С. 140.
8. Муминов М.Э. Рақамли ташувчилардаги далилий аҳамиятга эга маълумотларни процессуал расмийлаштиришга доир айрим мулоҳазалар // «Взаимная правовая помощь в получении электронных доказательств и трансграничных расследований киберпреступлений». Пособие по результатам регионального семинара для практиков уголовного правосудия центральной азии. – Т.: Генеральная прокуратура Республики Узбекистан, 2020. – С. 66-69.